



МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 май куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Чжан Минни қабул қилди.



ШХТ доирасида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва минтақавий шерикликни мустаҳкамлаш, шунингдек, Ўзбекистоннинг Ташкилотга раислиги давридаги асосий тадбирларга тайёргарлик кўриш масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йил учун режалаштирилган учрашув

ва йиғилишларнинг ярми муваффақиятли ўтказиб бўлингани мамнуният билан қайд этилди. Самарқанд шаҳрида бўлажак ШХТ саммити ҳужжатларини келишиш борасида фаол иш олиб борилмоқда.

Барқарорлик ва хавфсизлик учун хавф тудираётган хатар ва таҳдидларга қарши кура-

шишда Ташкилот салоҳиятини кучайтириш, “Шанхай руҳи” принциплари асосида кўп томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Транспорт соҳасида ўзаро боғлиқлик, “яшил” энергетика, инновациялар, рақамли иқтисодиёт, саноат кооперацияси бораси-

даги қўшма лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Пандемиядан кейинги даврда фаол маданий-гуманитар алоқалар ва туризм алмашинуви қайта тиклаш лозимлиги ҳақида яқдил фикр билдирилди.

Учрашувда халқаро кун тартибининг

долзарб муаммоларига ҳам тўхталиб ўтилди. Афғонистон масаласида ШХТ ролини ошириш ҳамда ушбу мамлакатни инфратузилмавий ривожланиш бўйича минтақавий дастурларга фаол жалб қилиш зарурлиги қайд этилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОН БИЛАН ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
16 май куни Туркменистон Миллий Кенгаши
Халқ Маслаҳати раиси Гурбангули Бердимухамедов билан
телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Сермаҳсул парламентлараро мулоқот, шу жумладан, минтақавий форматда ҳам ривожланиб бораётгани, бу биродар халқларимизни яқинлаштиришга катта ҳисса қўшаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Туркменистон томонини жорий йил 12-13 май кунлари Ашхобод шаҳрида халқаро тадбирлар — Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия Федерациясининг биринчи Парламентлараро форуми ҳамда Хотин-қизлари мулоқоти муваффақиятли ўтказилгани билан самимий қутлади.

Устувор йўналишлардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни илгари суриш мақсадида парламентлар даражасида фаол мулоқотларни давом эттириш ва таъриба алмашиш муҳимлиги қайд этилди.

Шу муносабат билан Парламентлараро форум ишини мунтазам йўлга қўйиш, Туркменистон пойтахтида унинг доимий фаолият юритадиган котибиятини тузиш таклифи қўллаб-қувватланди.

Халқаро кун тартиби юзасидан, минтақавий ҳамкорликни давом эттириш ва кўп томонлама ташкилотлар доирасидаги самарали шерикликни ривожлантириш, шу жумладан, Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга, унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига қўмақлашиш масалалари бўйича фикр алмашилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АЙРИМ ДОЛЗАРБ ВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯЛАР ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан “Тиббиётдаги ислохотлар — инсон қадрлари учун” мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш ишларини кучайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар аҳоли орасида айрим вирусли инфекцияларни ўз вақтида профилактика ва диагностика қилиш, уларни даволаш бўйича аҳолига кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдамни янада такомиллаштириш ва кенгайтиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

вирусли гепатитларнинг “В” ва “С” турларини эрта аниқлаш учун республиканинг барча ҳудудларида скрининг текширувларини ўтказиш ва касалликни даволаш қамровини ошириш;

касаллик юқиши хавфи юқори бўлган шахсларни, шу жумладан, қон ва унинг таркибий қисмлари билан ишловчи тиббиёт ходимларини гепатит “В” инфекциясига қарши эмлаш билан тўлиқ қамраб олиш;

скрининг текширувларида вирусли гепатит “С” тури аниқланган беморларни даволаш жараёнида дори воситалари билан бепул таъминлаш;

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлинида вирусли инфекцияларни аниқлаш учун сарфлов материаллари (реагент ва тест-тўпламлари) билан босқичма-босқич тўлиқ таъминлаш;

барча даволаш-профилактика муассасалари, санитария-эпидемиология хизмати ҳамда нодавлат тиббиёт ташкилотларида жигар сурункали вирусли касалликларининг ягона электрон реестрини яратиш ва уни юритиш;

Давоми 2-бетда

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади

Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борадаги ислохотлар муваффақияти кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ. Янги Ўзбекистон ислохотлари моҳиятини англаш, бу жараёнда иштирок этиш фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти юқори бўлишини тақозо этмоқда.

Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва бурчи ҳамда масъулиятини пухта билиши, буни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамоғи лозим. Фуқароларимизнинг дунёқараши, тафаккури мамлакат

ҳаётига, янгилинишларга мос равишда ўзгариб бориши ҳуқуқий маданият тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Давоми 2-бетда

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ

ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТ БИЛАН БАХТЛИ

бунни мурожаатчилар кўзидан сезасиз



3-бетга қаранг

ШУКУХ

Дориломон кунлар келди, шафақлари ол...

Чўққини забт этиш заҳмати

Бундоқ ўйлаб қарасам, қўлимга тор олиб, халқ хизматидаги киришганимга ҳам эллик йилдан ортиқ вақт ўтибди. Умримнинг учдан икки хиссаси... Бу даврда жонажон юртимизни қадамба-қадам кезиб чиқдим, ҳар бир қарич ери азизлар қадамжоси бўлган қадимий Туркистон кенгликларида шамоллар тилидагина қолиб, унут бўлаёзган қадимий қўшиқларимизни жам-

ладим, таниш-нотаниш кишилардан ахшиликлар кўрдим, танбехлар эшитдим, сабоқлар чиқардим.

Баъзилар мени жуда омадли инсон, деб ҳисоблайди. Аммо тоғнинг тепасида кўринган одамнинг бошдан кечирган заҳматларини чўққига чиққан одамгина яхши билади деганларидек, бу кунларга етгунга қадар бошимдан не-не савдопар кечгани фақат ўзимга ва Яратганга аён.

Ишонмаслигингиз мумкин, қирқ ёшга қадар бошимда тайинли бир бошпана йўқ эди.

Деярли ҳар куни халқнинг хизматида, концертларда ё тўйларда бўлишга тўғри келган. Мен ижодни бошлаган пайтлар ғалати қонун-қоидалар ҳукм суғарди: дейлик, бирор деҳқон ё чўпон тўй қилмоқчи бўлса, албатта, колхоз раисидан рухсат суғарди. Пахта йиғим-терими пайтлари, айниқса, тўй қилиш муаммоларининг энг каттаси эди. Шунинг учун, қишлоқ жойларидеги тўйлар ёзда ёки киш пайтлари бўлган.

Давоми 5-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АЙРИМ ДОЛЗАРБ ВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯЛАР ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

вакциналар, тест-тўпламлари ва вирусга қарши дори воситаларининг **хавфсизлиги, сифати ва самарадорлиги** назоратни **такомиллаштириш**;

вирусли инфекциялар муаммолари бўйича **илмий тадқиқотларни ўтказиш**, касалликларни назорат қилишнинг **автоматлаштирилган тизимини жорий этиш**;

вирусли инфекциялар юқишининг олдини олиш тадбирлари бўйича **аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш**, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–215-сон қарорига асосан 2022 йил 1 июндан бошлаб қон билан бевосита ишлаётган давлат тиббиёт муассасалари ходимларини **гепатит “В” касаллигига қарши бепул эмлаш амалиёти жорий этилганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:
2022-2025 йилларда айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича дастур (кейинги ўринда — Дастур) 1-иловага мувофиқ;

2022-2023 йилларда эпидемиологик кўрсатмага мувофиқ, давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги **тиббиёт ходимларини гепатит “В” инфекциясига қарши эмлаш бўйича мақсадли курсаткичлар** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2022 йил 1 июндан бошлаб ҳар йили республика аҳолисини вирусли гепатит “В” ва “С” турларига **скрининг текширувлари сони 1 миллион** нафаргача, **полимераза занжир реакцияси (ПЗР) текширувлари сони 15 минг** нафаргача, вирусли гепатит “С” тури билан касалланган беморларни даволашни **10,5 минг** нафаргача етказилади;

2022 йил 1 сентябрдан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 190-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлиқни белгилаш билан бирга уларни ўз ҳисобидан гепатитнинг “В” ва “С” турларига скрининг текширувларидан ўтказиш тартиби жорий этилади.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев):
Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассислигида “IT-Med” масъулияти чекланган жамияти томонидан жигар сурункали вирусли касалликларининг ягона электрон реестри (кейинги ўринларда — Реестр) **2022 йил 1 ноябрга қадар** ишлаб чиқишлисини, шунингдек, келгусида унинг техник ва дастурий қўллаб-қувватланишини таъминласин;

2023 йил 1 январга қадар Реестрни юриштири қон ва унинг таркибий қисмлари билан ишлайдиган ходимларга эга бўлган даволаш-профилактика муассасалари, санитария-эпидемиология хизмати ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча тиббиёт ташкилотларига жорий қилиб, уларнинг ўзаро интеграциясини йўлга қўйсин;

2022 йил 1 июндан бошлаб Вирусология илмий-тадқиқот институтида ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади-

ган Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги тегишли муассасаларда **Крим-Конго геморрагик иситмаси** билан касалланган тузалганларнинг (донорларнинг) қон плазмаси банки яратилишини таъминласин;

даволаш-профилактика муассасалари ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида юқумли касалликларга, шу жумладан, сурункали вирусли гепатитларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш стандартларини такомиллаштирсин ҳамда уларга риюа қилиниши устидан назоратни қўчайтирсин.

6. Белгилансинки:
2022 йил 1 июлдан бошлаб нодавлат тиббиёт ташкилотлари қон ва унинг таркибий қисмлари билан ишлаётган ходимларини гепатит “В” инфекциясига қарши эмлашни, шунингдек, Реестр ишга тушган пайдан бошлаб бу ҳақдаги маълумотнинг Реестрга киритиб борилишини таъминлайди. Бунда, эмланмаган ходимларни эмлаш уларнинг асосий иш жойи бўлган тиббиёт ташкилотлари ҳисобидан амалга оширилади;

2024 йил 1 январдан бошлаб нодавлат тиббиёт ташкилотларида қон ва унинг таркибий қисмлари билан ишлаётган ходимларнинг гепатит “В” инфекциясига қарши эмланган бўлиши ҳамда Реестрнинг белгиланган тартибда юриштири тиббий фаолиятни лицензиялаш талаблари ва шартларидан бири ҳисобланади.

7. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) билан биргаликда **2022 йил 1 июлдан бошлаб** ҳар йили кенг тарқалган вирусли инфекциялар муаммоларининг илмий ечимини

таъминлашга қаратилган лойиҳаларга танловлар асосида маблағлар ажратилишини таъминласин.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Воитов) ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С.Кариев) **2022 йилнинг якунига қадар** вирусли касалликлар профилактикаси, диагностикаси ва даволанишида зарур бўладиган **вакцина, дори ва диагностика умумлар каби воситаларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш** бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Белгилансинки, тегишли даволаш-профилактика муассасалари учун зарур тест-тўпламлари, диагностика умумлар ва сарфлов материалларини харид қилиш ишларини молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10. Вазирлар Маҳкамаси ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан вазирлик, идора, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти самарали мувофиқлаштирилишини ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлигини, шунингдек, Республика эпидемияга қарши курашиш фавқулодда комиссияси йиғилишларида ушбу масала **ҳар йили** муҳокама қилинишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2022 йил 16 май	

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Президентимизнинг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тўбдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони ҳам аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадларига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур соҳада амалга оширилаётган ишлар, истиқболдаги вазифалар хусусида **адлия вазир** **Русланбек ДАВЛЕТОВ** билан суҳбатда бўлдик.

— Аҳолида ҳуқуқий онг юқори бўлса, жамиятнинг барқарор қонуний ривожланишига эришиш осон кечади. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга оид ишлар хусусида тўхталишдан олдин сўнгги йилларда фуқароларимиз ҳеч бир воқеа-ҳодисага лоқайд эмаслигини қайд этмоқчиман. Энг муҳими, улар ўз фуқаролик позициясини билдирапти, — дейди Р.Давлетов. — Масалан, бюджет маблағлари сарфланиши борасида 2215 лойиҳа “Ташаббусли бюджет” дастурига киритилди, бу фаолликка рағбат тарзида яна қўшимча 139 лойиҳани амалга ошириш учун маблағ ажратилди.

Бундан англаштирадики, жамиятда ҳуқуқий онг ўсиб бормоқда. Ватан келажигига дахлдорлик ҳисси ошмоқда. Одамлар ўз юрти келажигига қайғуряпти. Бизнинг ишимиз эса, шу ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш ва қучайтиришдир.

— **Ўтган давр мобайнида шу мақсад ва йўналишда нима ишлар қилинди, қандай янгиликлар жорий этилди?**

— Адлия органлари ўтган йили ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича 400 мингдан ортиқ тадбир ўтказди. Жумладан, телевидение орқали 7453 та, радиода 10 минг 184 та чиқиш қилинди, 47 минг 444 мартаба семинар ва давра суҳбати ўтказилди, веб саҳифа ва ижтимоий тармоқларда 206 минг 150 дан ортиқ маълумот жойлаштирилди. 5900 дан ортиқ таҳлилий маълумот ва мақола газета ва журналларда чоп этилди, 255 та қўлланма ва бошқа ёзма материал, 24 минг 220 та кўргазмали тарғибот материали тарқатилди.

“Бепул ҳуқуқий маслаҳат билан ҳар бир уйга” шиори остида ҳуқуқий маслаҳат бериш тизими йўлга қўйилди. Лойиҳа доирасида 6 мингта яқин маҳалладаги қарийб 80 мингта хонадонда суҳбат ўтказилиб, уларга бепул ҳуқуқий маслаҳат, “Аёллар дафтар”и, “Темир дафтар” ва ижтимоий ҳимояга оид бошқа лойиҳалар тўғрисида маълумотлар берилди.

Ўтган йили бўлиб ўтган Президент сайлови давомида “Сайлов — 2021: ўз келажинг учун овоз бер” шиори остида 30 мингдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбири ўтказилди.

Айни кунларда эса, маҳалла раислари сайлови билан боғлиқ шундай тадбирлар бошланган.

Ҳуқуқий ахборотни манзилли етказишда катта аудиторияларни қамраб олишимиз керак. 2021 йилда тўлиқ пандемия шароитида яшадик, бу қўл



жиҳатларда масофавий, онлайн ҳаёт режимида ўтишни тақозо қилди.

Шуларни инобатга олиб, тарғибот соҳасида инновацион технологияларни кенг жорий этдик. Интернет тармоғида аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилувчи “Advice.uz” (Maslahat.uz), “Advice for business”, Миллий ҳуқуқий, kurslar.huquqiportal.uz порталлари, “bolahuquqlari.uz” (мобиль илова), “test.adliya.uz” сайтлари, hudud24.uz, “Gender madad” платформаси каби 8 та ҳуқуқий ресурсни ишга туширганмиз.

Бундан ташқари, ўтган йили мамлакатда илк бор онлайн шаклда “Умуммиллий Конституция имтиҳони” ўтказдик. Унда 50 мингдан ортиқ фуқаро қатнашди. Бу йил Конституцияимизнинг 30 йиллиги нишонланади, шу муносабат билан конституциявий имтиҳонни катта қамровда ўтказишни, бошқа тилларда ҳам тестлар тайёрлашни мақсад қилганмиз.

Умид қиламизки, бу каби онлайн имтиҳон ва акциялар аҳоли томонидан илиқ қутиб олинади. Зотан, бу тадбирлар ҳуқуқий билимларни ошириш имконини беради.

Вазирлик томонидан “Хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича долзарб икки ой” ҳуқуқий акцияси ўтказилди. Акция давомида 7700 дан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбири, 100 дан ортиқ сайёр қабул ўтказилиб, 70 мингдан ортиқ хотин-қизга бепул ҳуқуқий ёрдам ва тушунтиришлар берилди, айрим тадбирларда хотин-қизлар ва ёшлар бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

Айни шу акциямиз доирасида 10 мингдан ортиқ хотин-қизни қамраб олган “Хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича умуммиллий имтиҳон” ўтказдик. “Жамиятда аёл: муаммо ва ечимлар” танловимиз ҳам хотин-қизларимизга яхши мотивация бўлди, 100 дан ортиқ материал келиб тушди.

Шу кунларда “Соғлиқни сақлаш ва таълим тизими ходимларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш акцияси” бўлиб ўтмоқда.

Акция давомида соҳа вакилларининг ҳуқуқий билимлари оширилиши билан бирга, бузилган ҳуқуқлари тикланмоқда, хусусан, соғлиқни сақлаш

ва таълим тизими ходимларининг манфаати юзасидан судларга 10,8 миллиард сўмлик 2594 та даъво аризаси, қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 3,5 мингта яқин тақдимнома ва огоҳнома киритилди. Рақамлардан билиш мумкинки, бу каби тадбирларнинг самарадорлиги юқори.

Вазирлик томонидан аудиториясини катта ижтимоий тармоқларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, “Ҳуқуқий ахборот” телеграм каналининг 3 тилдаги (ўзбек, рус, инглиз) версиясида 322 мингдан ортиқ обуначи бор, 12 мингта яқин контент берилган, улар билан 200 миллион мартадан кўпроқ танишилган. Бу давлат органи учун катта аудитория.

YouTube каналимизга 800 га яқин видеоролик жойлаштирдик. Уларда тўғилганлик тўғрисида гувоҳнома олишдан пенсияга чиқишгача жараёнларда фуқаролар дуч келиши мумкин бўлган мавзулар қамраб олинган.

Аммо жамиятимизда барча бирдек ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Ёши катталар, имконияти чекланганлар, интернет тармоғига уланмаганлар билан алоҳида ишлаш зарурати бор. Бу аҳоли қатлами билан ишлашда телевидениедан муқобил вариант йўқ.

— **Фуқароларни қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш учун, назаримизда, биринчи навбатда, таълим сифатини қучайтириш зарур. Бу йўналишда қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Жуда тўғри. Аҳолида ҳуқуқий онг ва маданиятни ўстириш, аввало, таълимни реал ҳаётга боғлаш билан амалга оширилади. Токи бола ўрнаётган маълумоти амалда борлиги, ўзи шу муносабатлар иштирокчиси экани гувоҳи бўлсин.

Ҳуқуқшунослик дарсликларини дастлабки тарзда таҳлил қилиб чиқдик. Ҳуқуқшуносликка оид фанлар 8-синфдан бошлаб ўқитилади. Дарсликларда асарият ҳолатларда тақрорлар бор, 8-11-синфларнинг ҳар бирида камида 20 фоиз мавзу конституция ҳақида — тақрорланиш бўлган. Асарият ҳолатларда маълумотлар тушунарси, соф юридик тилда ёзилган, бу онгли равишда болада тушунамслик ҳолатини келтириб чиқаради ва фақат тушунарларни, атамаларни ёдлаб олади.

Биз ҳуқуқий саводхонлик даражасини ўрганиб, ҳуқуқшунос, педагог, психолог ва социологлар иштирокида аҳолининг ҳуқуқий билимлари учун 5 та ёш тоифасидан иборат минимал талаблар ишлаб чиқанмиз. Яъни бола 4 ёшида, 15 ёшида нимани билиши керак, буларнинг ҳаммаси минимал талабларда бор.

Мана шу талаблар асосида мактаб дарсликларини қайта қўриб чиқиб, уларни бугунги реал ҳаётга мослаштиришимиз зарур. Ўтган йили юридик техникумлар учун 21 турдаги янги авлод дарсликларини тайёрладик.

Боғчаларга ҳам доимий равишда турли материаллар тайёрлаб тақдим қилиялмиз.

Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқий билим ва саводхонлики масофадан интерактив усулда ошириш имконини берувчи kurslar.huquqiportal.uz янги портални ишга туширдик. Бугунги кунгача 4 мингдан ортиқ фуқаро мустақил ўқиб, сертификат олган. Энди мазкур портални янада оммалаштириш чораларини кўрялмиз.

Бу порталга исталган шахс кириб, мавзулаштирилган дастурлар асосида мустақил ўқиб, охирида тест ечиб сертификат олиши мумкин. Энди портал имкониятларини кенгайтириш, бошча тарбиячиларини ҳам у орқали ўқитишни мақсад қилганмиз.

— **Аҳолининг ҳуқуқий ахборотга бўлган реал эҳтиёжини таъминлаш учун нима ишлар қилинмоқда?**

— Аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш очиклик билан доим ёнма-ён туради. Миллионлаб фуқароларимизга ўз ҳуқуқларини ўргатиш билан бирга, давлат хизматчилари, мансабдорларнинг ҳам ҳуқуқий тафаккурини ислоҳ қилиш зарур.

Бу орқали энг қуий бўғинларгача қонунийликни таъминлашда яхши натижаларга эришамиз, тизимда муаммолар қамроқ бўлади, иш самарадорлиги ўсади.

Юртимизда давлат ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш тизими яратилди ва у Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўтган йилда жами 14 мингта яқин ходим ўқитилиб, баҳолашдан ўтказилди. Бироқ уларнинг 300 га яқини баҳолашдан ўтолмаган.

Бу ходимларни қайтадан ўқитамиз, яна ўтолмаса, Қўристар малакасини ошириш маркаси ва унинг филиаллари орқали 12 соатлик махсус ўқув курсларида дарс берамиз. Шундан кейин ҳам натижа бўлмаса, бундай ходимлар билан ишни давом эттириш қандалик мақсадга мувофиқлигини иш берувчи билан қўриб чиқамиз.

— **Энди келгусидаги эътибор беришимиз зарур бўлган масалаларга тўхталиб ўтсангиз.**

— Бугунги кунда аҳоли ҳаётида қандай ҳуқуқий муносабатларда муаммолар бўлаётганини таҳлил қилиб боришимиз, шунга мос аниқ ва манзилли ишлашимиз керак.

Масалан, ҳозир фибрибгарлик, киберфирибгарлик қўпаймоқда. Янги молиявий пирамидалар пайдо бўляпти. Қимор ва тавақалчиликка асосланган бошқа ўйинлар учун жиноий жавобгарлик борлигини билиб туриб ҳам бу йўлдан қайтмаётганлар бор.

Ўзбекистонда фибрибгарлик сўнгги 4 йилда 4 баробар (2018 йилда 6483 та, 2019 йилда 6321 та, 2020 йилда 10 минг 496 та, 2021 йилда 24 минг 554 та), киберфирибгарлик эса сўнгги 3 йилда 8,3 баробар қўпайиб, ҳозир умумий жиноятчиликнинг қарийб 5 фоизига етган.

Биз аҳолимизда фибрибгарлик, киберфирибгар-

лик қарши “иммунитет” пайдо қилишимиз керак. Алданиб қолмаслиги учун керакли маълумотни етказишимиз, осон даромад топиш илинжида тўзқоча тушиб қолмаслиги чораларини кўришимиз зарур.

Ўз навбатида, давлат органлари доим ҳушёр бўлиб, фибрибгарлик ҳолатларининг олдини олиши зарур. Масалан, битта хусусий клиника атрофидаги гапларни ҳаммамиз эшитдик. Давлат бу клиникага лицензия берган, қонуний ишлашига ишонч билдирган. Афсуски, вақт ўтиб, улар аҳолини алдагани маълум бўляпти.

Жиноятчилар жавобгарликка тортилиб, зарарни тўлиқ қопламасдан, бир муддат озодликдан маҳрум қилиниб яна озодликка чиқиши кузатилиши мумкинки, бу ҳам аҳолида салбий кайфиятни пайдо қилади. Шунинг учун фибрибгарлик содир этган ва зарарни тўлиқ тўламагани учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахслар, жазони ўташ давомида зарарни тўлиқ қоплаган бўлса, шартли озод қилинамаслигини кўзда тутуви қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Жамиятимизда сўз эркинлиги ва демократлаштириш тобора ривожланар экан, фикрлар турли-туман, ғоялар ҳар хил, яъни плюрализм таъмоиллари чуқурроқ сингиб бормоқда. Янги қабул қилинадиган қонунлар ва ислохотларга ҳам очик фикрлар билдирилмоқда, буни ҳамма ҳам бир хил қабул қилмайди. Бу табиийдир ва буни тўғри қабул қилишни ўрганишимиз керак.

Яъни бундай шароитда абсолютизмин таъминлаб бўлмайди ёки ягона мафкура қилиб, давлат мафкурасини ўрнатиб қийин. Айнан бу жараёнда одамларни бирлаштирувчи ягона восита ёки механизм — қонун устуворлиги. Бунда биз, ҳуқуқшунослар миллий ғоя сифатида аҳолини қонун устуворлиги ғояси атрофида бирлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Чунки қонун одамларнинг ахлоқий, сиёсий қарашларидан қатъий назар, ягона талабларни белгилайди, барча учун мажбурий меъёрларни ўрнатади.

Қонун устуворлиги шароитида фикрлар хилма-хил бўлса ҳам муносабат, ёндашув бир хил бўлади, шу билан бирга, қонун устуворлиги турли фикрларни ҳам ҳурмат қилади, муаммолар бир ёқлама эмас, ҳуқуқий воситалар орқали ҳал этилади.

Бунда асосий масъулият давлат органлари зиммасига тушади. Чунки улар, биринчи навбатда, ишлаш услуби, принциплари ва ёндашувлари билан ўз фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш зарур. Бу борада ҳамкорлик қилиш ҳар доим самара беради.

Ана шу мақсад ва вазифалар бизни жамиятимизнинг янги қиёфасини яратишга ундайди. Зеро, Президентимиз ҳам олдимизга жамиятимизнинг янги қиёфасини яратиш, янги Ўзбекистонни барпо этиш масаласини стратегик вазифа сифатида белгилаб берган. Бунда ўтган беш йиллик ва янги тараққиёт даври ислохотлари эпкиннида юрдошларимиз ўз қундалиқ ҳаётида теран ҳис қилаётган янги ҳаёт шухуқи асосий омил бўлади, албатта.

— **“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Лутфулла СУВОНОВ суҳбатлашди.

ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТ БИЛАН БАХТЛИ

буни мурожаатчилар кўзидан сезасиз

Юзлаб одам дардига даво топилди

Фарғона вилоятидаги оммавий қабуллар бу гал ҳар қачонгидан ҳам кенг миқёсда анчайин гавжум, қизгин ва ишчан руҳда кечди. Оммавий қабуллар уч ойлигининг илк манзилидаёқ олти кунда қариб 2 минг 650 масала кўриб чиқилгани ҳам шундан далолат бериб турибди. Йигирмадан зиёд вазирлик, қўмита ва ташкилот масъуллари “Инсон қадри учун!” гоёси асосида бир мушт бўлиб бирлашгани туфайли аксарият масалалар жойига чиқиб ўрганилди, маҳаллаларда, хонадонларда, ижтимоий соҳа объектларида мулоқотлар олиб борилди. Тизимли муаммолар бўйича қўшимча ишчи гуруҳлар фаолият кўрсатаётган бўлса, айрим соҳалар бўйича алоҳида мулоқот майдонлари ташкил қилинмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз топириғи асосида тузилган республика ишчи гуруҳи фаолияти натижадорлигини таъминлашда муҳим омил бўляпти.

Бир мисол. Президент виртуал қабулхонаси, Халқ қабулхоналари ва оммавий қабуллардаги мурожаатлар таҳлилидан сўнг республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ва тиббиёт олийгоҳларининг 50 дан зиёд малакали шифокорлари Фарғонага тақлиф қилинди. Турли ҳудудларда уларнинг алоҳида сайёр қабуллари, тиббий кўриқлари ташкил этилмоқда.

Қисқа вақтда 6 минг 130 аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. Хасталик аниқланган 3 минг 920 бемор стационар даволалишига йўналтирилди.

Энди 10 ёшга кирган Асадбек юрак хасталигидан азият чекмоқда. Кунчи кеча оммавий қабулда Насиба Қосимова невараси дардига даво топиш масаласида амалий ёрдам сўрагач, Асадбекка Тошкент шаҳрида даволалиши учун йўланма ажратилди.

— Бир марта пойтахтга бориб даволалиб келишиминг ўзига қанча маблаг керак, — дейди Н.Қосимова. — Оммавий қабулга неварамнинг даволалиши учун ёрдам сўраб мурожаат қилдим. Бу ишга бош қўшганларга раҳмат, мурожаатимизга бефарқ бўлишмади. Энди йўлларим билан бориб, керакли муолажаларни олиб қайтаверамиз.

Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож 731 беморнинг 101 нафариди Фарғонада мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Тўғма юрак етишмовчилиги билан хасталанган 2,7 минг болали босқичма-босқич даволаш белгилаб олинди. Биринчи босқичда улардан 680 нафари соғлом ҳаётга қайтади.

Соглиқни сақлаш вазирлиги мурожаатлар таҳлили асосида вилоятдаги 70 та маҳалланинг тиббий пунктини, 101 та оилавий шифокорлик пунктини қайта ташкил этиш бўйича ишларни янада жаддалаштирди. Хусусий тиббиёт муассасалари раҳбарлари билан мулоқотлардан сўнг умумий қиймати 70 миллиард сўмга тенг 11 та концепция лойиҳаси, Олтиариқдаги “OdiJion Med Line” шифохонаси билан эса лойиҳа қиймати 10,4 миллиард сўмга тенг давлат-хусусий шериклик битими имзоланди.

“Ҳаётимда мўъжиза рўй берди...”

Бу жараёнда ногиронлиги бор мурожаатчиларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Айтилиқ, Бағдод туманидаги Самандарак қишлоғида яшовчи 1-гуруҳ ногирони Насиба Бобохонова уйда чеварлик қилиши, маҳалла хотин-қизларига бу хунари ўргатаётганини айтиб, хонадонини таъмирлаб, қўлай меҳнат муҳитини яратишда амалий ёрдам сўраган эди.

Мурожаатдан сўнг Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси масъуллари, Халқ қабулхонаси ва секторлар раҳбарлари Насиба Бобохонованинг уйига келиб, унинг оилавий шароитини ўрганди. Бу оиланинг тўрт вакилида ногиронлик бор экан. Насибахонанинг хунари бор, ишлаб оилага даромад келтириши мумкин. Натижада ички имкониятлар ҳисобидан аёлнинг уй-жойини таъмирлаш учун зарур қўрилиш материаллари, чевар аёлга эса, янги замонавий тикув машинаси ажратилди.

Бағдоднинг Амиробод маҳалласида яшовчи яна бир чевар, 1-гуруҳ ногирони Соҳиба Йигитованинг аввалги оммавий қабулдаги мурожаати ихроси жойига чиқиб ўрганилди. У ўтган йили уй-жой олиш учун мурожаат қилган, ушунда аёлнинг ота ҳовлисидан яқинлари ажратган жойда ички имкониятлар ҳисобидан ҳам уй-жой, ҳам қорхона қуриб бериш белгиланган эди. Ўрганишлардан сўнг бошланган эзгу ишларни охирига етказиш учун зарур қилиш материаллари, аёлга замонавий тикув машинкаси ажратилди. Ҳадемай, беш хонали уй Соҳибахон иктиёрига топирилиди, у эса ўз яқинлари бағрида мўъжиз тикувчилик қорхонасида маҳалласидаги 30 дан зиёд қиз-келиндга бош бўлиб иш бошлайди.

— Ҳаётимда мўъжиза рўй берди. Мана, уларим битяпти. Ишонамни ҳам кенгайтириб олсак, шогирдларим билан астойдил элга хизмат қиламиз. 30 дан

ортиқ иш ўрни яратишни мақсад қилганман, — дейди қувончини яширолмай Соҳиба Йигитова.

Кувончининг жилваси: кимдир уйли, кимдир ишли бўлди

Кувонч жилваланадими? Оммавий қабулларга мурожаат билан келган юртдошларимизнинг муаммоси ҳал бўлгач, юзу қўзига бир назар солсангиз, бу жилва — қувонч, миннатдорлик, шукрона ҳислари сизнинг қалбингизда ҳам акс этади.

Оммавий қабуллар ота-онасидан ажралган қўштепалик 22 ёшли Жасур Тожибоев, унинг опаси ва икки хиёни ҳаётида унутилмас қувонч билан умрбод эсда қоладиган бўлди. Улар анча вақтдан буён ижарама-ижара сарсон юрганди. Жасурнинг мурожаатидан сўнг уларга қаватли уйлардан уч хонали шинам ижтимоий хонадон ажратиб берилгач, тўрт инсоннинг қалби тонгдек ёришди. Улар ота-она меҳридан эрта айрилди. Бу келтикининг ўрнини давлатимиз кўрсатган меҳр, қўмак тўлдиради.

Мурожаатлар асосида қўлаб хотин-қизларнинг тадбиркорлик, меҳнат ва бандлик билан боғлиқ муаммолари ҳал қилиб берилди. Фотима Қўнонбоева аввалги мурожаатидан сўнг Фарғона туманидаги Гулистон маҳалласида қўлабзори ва миллий қўғирчоқлар ишлаб чиқариш оилавий қорхонасини йўлга қўйди, 5 хотин-қиз бандлигини таъминлади. Бу галги қабулда фаолиятини янада кенгайтириш учун субсидия ажратилишида амалий ёрдам сўраган Фотима опанинг масаласига ҳам ижобий ечим топилди.

Худди шундай мурожаатлар асосида 51 хотин-қиз ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди. Масалан, Фарғона ҳуқуқшунослик коллежини битирган Ўғлой Абдуқаҳҳорова Фарғона туманидаги Аҳоли бандлигига қўмақлаштиш марказида ёрдамчи инспектор вазифасида иш бошлади. Қўштепалик Нодира Эргашева туман Бандлигига қўмақлаштиш марказига, ёзёвонлик Қаноатхон Исақова Ёзёвон тумани тиббиёт бирлашмасига ишга қабул қилинди.

Халқ таълими вазирлиги масъулларида мурожаатлардан сўнг Фарғона давлат университети битирувчиси Баҳром Асроров Фарғона туманидаги 58-мактабнинг психология фани ўқитувчиси, бир йилдан буён ишсиз юрган олий маълумотли ўқитувчи Зокиржон Асроров Фарғона туманидаги 23-мактаб директори ўринбосари сифатида иш бошлади.



Бир муаммо ечими юз хонадонга хурсандлик олиб кирди

Мулоқотлар давомида электр таъминоти тизимидagi қўлаб масалаларга ҳам ечим топилди. Бувайдалик Мухсинжон Мамазиев аризаси асосида Бувайда маҳалласининг Зиё кўчасидаги, Абдусалом Камолов шикоятини туфайли Бог маҳалласининг Бог кўчасидаги, бағдодлик Абдурашул Азимқуловнинг Президент виртуал қабулхонасига йўллаган аризалари асосида туманининг Чек Мирзабод қишлоғидаги эскирган, қўлаб саноатчилар замонавий бетон таянчларга алмаштирилмоқда.

Фарғона тумани Саноат маҳалласида 100 дан ортиқ хонадонга хизмат кўрсатувчи трансформатор ҳам анча эскириб қолган. Шу маҳаллалик Шуккуржон Шокиров оммавий қабулда масалага ечим излаб келган эди. Жойига қиқиб ўрганилгач, мутахассислар эски трансформаторни таъмирлаб берди. Бир ариза асосида юз хонадоннинг муаммосига бирвара-кайига ечим топилди.

Қўштепа туманидаги “Сармозор” МФЙ аҳолиси мурожаатлари асосида ҳудуддаги тупроқ йўллари шағал ётқизилди.

Оммавий қабулларда Олий суд ва Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги тизимига келиб тушган мурожаатларнинг жойида ҳал қилинганига гувоҳ бўларканмиз,

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ — АМАЛДА

Лутфулла ХАЙРУЛЛАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ ХАЛҚАРО, УЮШГАН ҲАРАКАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЗАРУР

Тошкентда “Декларациялар мулоқоти” халқаро форуми иш бошлади

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар, АҚШ Глобал жалб қилиш институтлари, Дин ишлари бўйича қўмита, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳокимликлари ҳамкорлигида ташкил этилган форумда Европа, Осиё, Яқин Шарқ, Африка мамлакатлари ва АҚШ етакчи дин уламолари, илоҳиётшунослари, ҳуқуқшунослари ва бошқа расмий вакиллар иштирок этмоқда.



“Декларациялар мулоқоти” халқаро форуми Президентимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил қабул қилинган “Мадрият ва диний бағрикенглик” махсус резолюциясида мустаҳкамланган тамойил ва қоидаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича Ўзбекистон олиб бораётган изчил ишларнинг бир қисми саналади. Шу боис, форум 2020 йилда давлатимиз раҳбари тасдиқлаган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси мақсадларига эришишга хизмат қилади.

Анжуман очилиш маросимида сўзга чиққан Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўрин-

босари Содиқ Сафоев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар институти директорининг биринчи ўринбосари Акрамжон Незматов, АҚШ Глобал жалб қилиш институти вице-президенти Жеймс Чен, Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Давронбек Махсудов, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Даниел Розенблүмлар халқаро форум жаҳон ҳам-жамиятига ўзбек халқининг бой маданий-тарихий ва диний-фалсафий мероси, мамлакатимизнинг конфессиялараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, жамиятда дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини сақлаб туриш бўйича сиёсий-ҳуқуқий тажрибаси билан танишиш имконини берувчи муҳим тадбир эканини таъкидлади.

Форум доирасида ўтказилиши мўлжалланган илмий-амалий семинарлар кўп миллатли жамиятда конфессиялараро мулоқотни ривожлантириш соҳасида тажриба алмашиш, диний эркинлик масаласида қонун устуворлигини таъминлаш, турли дин вакиллари ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлаш бўйича илгор амалиёт билан танишиш мақсадларига хизмат қилиши қайд этилди.

Шу билан бирга, анжуман ишида турли мамлакатлар диншунос олимлари, амалиётчи мута-

хассисларига жамиятда тинчлик ва тотувликни сақлашнинг муҳим шарти сифатида динлар ва маданиятлар ўртасида самарали мулоқот ўрнатиш соҳасидаги энг яхши халқаро амалиёт, илгор хорижий тажриба намойиш этилади.

— Давлатимиз раҳбари ўзининг қатор чиқишида халқаро ҳамжамиятнинг диққат-эътиборини умум-башарий муаммоларни ечимда цивилизациялар, маданиятлар ўртасидаги мулоқотга алоҳида аҳамияти қаратиб келади, — дейди Содиқ Сафоев. — Дарҳақиқат, дунёда вазият шиддат билан ўзгариб бормоқда. Кечати ўлчамлар бугунги кунга тўғри келмаяпти. Шу билан бир қаторда бугунги тобора глобаллашаётган дунёда ҳеч бир муаммога алоҳида давлат томонидан ечим топилиши муш-қур. Барчамизни безовта қилаётган таҳдидлар халқаро, кўп томонлама, уюшган ҳаракатларни амалга оширишни талаб қилади. Хорижий ҳамкор-ларнинг билан мулоқот учун тизимли платформа яратиш жуда муҳим. Динлар, маданиятлараро бағрикенглик ва уйғунлиқни қарор топтириш, ўр-нашиб қолган стереотиплар ва янгилик фикрларга қарши курашиш — умумий вазифамиз. Аминман-ки, ушбу форум айнан шу мақсадга хизмат қилади.

Нуфузли тадбир 20 майга қадар давом этади. Хусусан, 18 май кунчи Самарқанд шаҳрига тани-шув саёҳатини ташкил этиш кўзда тутилган. Унда хорижий делегациялар мамлакатимиздаги энг қадимий шаҳарлардан бирининг маданий мероси билан танишади, турли конфессиялар диний масканларига таширф буюриб, диний ҳамжамият вакиллари билан учрашади.

Анжуман 19 май кунчи Бухоро шаҳрида “Дек-ларациялар мулоқоти” мавзусидаги халқаро кон-ференция билан ўз ишчи якунлайди. Тадбирда илмий-амалий семинарлар сарҳисоб қилинади, эътиқод эркинлиги ва динлараро мулоқотни таъ-минлаш масаласи бўйича фикр алмашилади, кел-гуси ҳамкорлик истиқболли белгиланади.

Халқаро учрашувнинг асосий натижаси си-фатида “Бухоро декларацияси” қабул қилиниши кўзда тутилган.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ҒАЛЛАЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР

ОЗИҚ-ОВҚАТ БАРҚАРОРЛИГИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ, МАНФААТДОРЛИКНИ ОШИРАДИ



Одил ОЛИМЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Иқтисодий
тадқиқотлар ва ислохотлар
маркази бош илмий ходими,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Айни пайтда дунёда мавжуд вазият оқибатида қатор давлатларда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда ўзгаришлар юз бера бошлади, баъзи жойларда танқислик ҳам пайдо бўляпти. Натижада бозорларда озиқ-овқат нархи ошиб бораёпти. Масалан, халқаро биржаларда бир тонна бўғдой нархи 400 долларга кўтарилиб, йил бошидагига нисбатан 30 фоиз ўсди.

Бундай шaroитда жаҳоннинг аксарият давлатларида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва нархлар барқарорлигини сақлаш ўта долзарб масалага айланди. Мамлакатимиз аграр соҳасида бу муаммонинг ечими, биринчи навбатда, ғаллачиликда бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш билан боғлиқдир.

Шу йил 11 май куни Президентимиз раҳбарлигида ғаллачилик соҳасидаги ислохотларнинг янги босқичи бўйича ўстувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган йиғилишда ана шу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, тармоққа бозор механизмларини тўла жорий этиш, давлат буюртмасини бекор қилиш, фермерлар манфаатдорлигини ошириш, ҳосилдорликни кўтариш орқали аҳолини озиқ-овқат билан барқарор таъминлашга эришиш масалалари муҳокама қилинди.

Ғаллачилик соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштиришга узоқ вақт мобайнида тайёргар-

лик кўрилди. Барча масалалар ўз вақтида пухта ҳисоб-киتاب қилиниб, ислохотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинди. Бугун ислохотларни янада кенгайтириш, соҳада бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш босқичига ўтишмоқда.

Жумладан, соҳага хусусий капитал жадал кириб келяпти. Масалан, охириги йилларда ғаллакор ҳудудларда 160 дан ортиқ йирик хусусий дон корхонаси қурилди. Уларнинг умумий қуввати қарийб 3 миллион тоннани ташкил этади. Ун ишлаб чиқаришда хусусий секторнинг ҳиссаси ҳам жуда катта бўлмоқда. Жумладан, 2021 йилда мамлакатимиз бўйича салкам 3,5 миллион тонна ун ишлаб чиқарилган бўлса, унинг 54 фоизи хусусий дон корхоналари ҳиссасига тўғри келди.

Шу пайтгача “Ўздонмахсулот” АК таркибидagi дон корхоналари фермерлардан тайёр бўғдойни қабул қилиб, уни қайта ишлаш билан шуғулланиб келган. Лекин уларнинг муайян қисми, айниқса, компания таркибидagi 43 та дон корхонаси янги бозор шaroитларда самарали ишлашга тайёр эмаслиги сезилиб қоляпти. Уларнинг ун ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ўртача 60 фоиздан ошмайди. Мисол учун, 2021 йилда Кўнгрот ун заводи ва “Сурхондарё дон” — 37 фоиз, “Хоразм дон” — 44 фоиз, “Оқолтин дон” 51 фоиз қувватларда ишлади.

Давлат дон корхоналарининг тегиригмон харажатлари хусусий секторга нисбатан 20-25 фоиз юқори, рентабеллик эса 2 баробар кам. Шу билан бирга, ишлар самарасиз йўлга қўйилгани сабабли “Ўздонмахсулот” корхоналарининг Қишлоқ ҳўжалиги жамғармаси олдидаги қарзи 1,8 триллион сўмни ташкил этиб, шундан 1,1 триллион сўми умидсиз қарз ҳисобланади.

Уларда меҳнат унумдорлиги ҳам анча паст. Энг ёмони, мазкур давлат дон корхоналарида маҳсулот ва молиявий ресурсларни талон-торож қилиш ҳолатлари ҳамон давом этаёпти. Давлат дон корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш замонавий талабларга жавоб бермайди, у дон етиштирувчига ҳам, корхонанинг ўзига ҳам иқтисодий манфаат бермаяпти.

Юқорида баён этилган ҳолатлар ғаллачиликда давлат буюртмасини бекор қилиш фурсати етиб келганидан далолат бермоқда. Яъни мамлакатимизда ғалла етиштириш, уни қайта ишлаш ва сотиш соҳасида мавжуд давлат буюртмасини босқичма-босқич бекор қилиш ғаллачиликда ислохотларнинг янги босқичини бошлаб беради ва у ҳақиқий ғалла бозорини яратиш борасида ташланган улкан қадам бўлади.

Йиғилишда таъкидландики, барча зарур ташкилий ишлар ҳал қилинган ҳолда, 1 июндан бошлаб ғаллани давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда бозор нархларига ўтилади. Бунда фермер ва кластерлар ўзи етиштирган ғаллани биржа

савдоларига олиб чиқиши учун давлат томонидан барча имкониятлар яратилади. Давлат ресурслари учун сотиб олинadиган бир тонна бўғдой нархи ўтган йилдаги 1 миллион 550 минг сўмдан жорий йил ҳосили учун 3 миллион сўмга, яъни 2 баробар оширилади. Қишлоқ ҳўжалиги жамғармаси харид қилган бир миллион 783 минг тонна бўғдой эҳтиёжга қараб биржага чиқариб борилади.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин. Давлат ресурслари учун сотиб олинadиган ғалланинг нархи олдиндан белгиланб қўйилмоқда. Мабоодо, бозорда унинг нархи ошса, нима бўлади?

Йиғилишда бу масаланинг ҳам жавоби айtilди. Бундай ҳол юз берганда, июль-август ойларида биржада шаклланган ўртача нархлардан келиб чиқиб, фермерларга ўртадаги ижобий фарқ ҳам тўлаб берилади. Бунинг учун жорий йилда давлат бюджетидан 6 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилади.

Ғаллани сақлаш билан боғлиқ яна бир муҳим масала бор. Гап шундаки, ғаллакорларнинг кўпиди махсус ғалла сақлаш омборлари етарли эмас. Шунинг учун фермерлар ихтиёрида қолadиган бўғдойдан 500 минг тоннаси дон корхоналарида вақтинча сақлаш учун қабул қилинади ва 1 июлдан бошлаб илк бора уни фермер ва кластерларнинг ўзи биржа савдоларига бозор нархида чиқаради.

Раҳбарлар бу масаланинг моҳиятини тўғри тушуниб олиши керак. Ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи мустақил сотиш фермерни бозор иқтисодиёти шaroитида ишлашга ўргатади. У бозор талабларини яхшироқ тушуна бошлайди. Биржа савдоларида ғалланинг бозоргир навларини бевоcита ўзи куради, натижада фермер кўпроқ даромад олиш имкониятларини қидира бошлайди.

Ғаллачиликда бозор механизмларини тўла жорий этишда ўта муҳим яна бир масала бор. Яъни давлат захираси учун харид қилиnadиган ғалла ҳам фақат биржадан сотиб олиниши керак. Келгусида биз ҳам шу тартибга ўтамиз ва мутасаддилар бунга жиддий тайёргарлик қилиши керак бўлади.

Бу ишда ғалла етиштирувчиларга яна бир кўмак кўзда тутилди. Яъни 500 минг тонна бўғдойнинг дон корхоналарида вақтинча сақлаш харажатлари фермерлар учун бепул бўлиб, давлат томонидан қоплаб берилади. Шунингдек, фермерлар 2022 йил бўғдой ҳосили учун биржа тўловларидан ҳам озод қилинади.

Бозор механизмлари чуқурлашётган бундай шaroитга фермер, кластерлар раҳбар ва ходимлари жиддий тайёргарлик кўришлари зарур. Ана шу мақсадда давлатимиз раҳбари йиғилишда бўғдой етиштирувчи фермер ва кластерларни биржада рўйхатдан ўтказиш ва брокерларни бириктириб, ўқитишни ташкил қилиш бўйича тегишли идораларга топшириқ берди.

Бу йил жами ғалла ҳосили учун 7,6 триллион сўм ажратилади. Бу жуда катта маблағ. Шунинг учун ғаллачиликда янги тизимнинг тўлақонли, адолатли ва очик-ошкора ишлаши, ҳар бир сўм фермер ва кластерга ўз вақтида тўлиқ етиб бориши, нарх-наво ўсиши ва тақчилликнинг олдини олиш бўйича “кўнбай” назорат тизими жорий қилинади.

Ғалла ҳосили йиғиштирилаётган пайтда унинг давлат буюртмасидан ҳам кўпроқ қисмини олиб қўйиш ҳолатларига барҳам берилади. Давлатимиз раҳбари бу борада: “Бўғдойнинг ҳақиқий эгаси, бу — фермер ва кластерлар. Бундан буён туманда режа бажарилмаяпти, чорва, парранда ёки балиқчиликка озуқа-ем керак, деган важлар билан фермерлар ғалласини олиб қўйиш қатъиян тақиқланади. Биржа орқали сотилган бўғдойга ҳудудлараро чеклов қўйилмайди”, деб қатъий таъкидлади.

Ғаллани қабул қилиш ва қайта ишлашнинг бошланғич палларидида дон корхоналари ҳали маҳсулот сотмагани туфайли молиявий ресурсларга муҳтож бўлади. Шу мақсадда “Ўздонмахсулот” корхоналари ва хусусий корхоналарга айланма маблағ учун 800 миллиард сўм миқдорда кредит ресурслари ажратилади.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан вилоят ҳокимларига тегишли тадбиркорларни топиб, ўз ҳудудларида замонавий, ихчам, энергетикамкор ун ишлаб чиқариш корхоналари қуриш, кластер томонидан ғалла экиш учун янги ер ўзлаштириш бўйича Бухоро тажрибасини ўз ҳудудида жорий қилиб, ғалла майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорликни ошириш чораларини қуриш, чекка ва олис қишлоқларга ун ва ун маҳсулотларини етказиб бериш бўйича транспорт харажатларини қоплаш тизимини йўлга қўйиш, ўзининг истеъмоли учун зарур бўлган ун ва ун маҳсулотларини республиканинг бошқа ҳудудларидан ва четдан олиб келиб, бозорда маҳсулот тақчиллигига йўл қўймаслик ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Бундан ташқари, ҳар бир вилоят ҳокими тадбиркорларга шaroит яратиб, четдан арзон ун ва бўғдойни олиб келиш бўйича алоҳида чора-тадбирлар белгилashi лозимлиги қайд этилди.

Юқорида айtilганидек, дон корхоналарининг анча қисми “Ўздонмахсулот” компаниясига қарайди. Йиғилишда уларни хусусийлаштиришни жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди. Мутасаддилар жорий йилнинг 1 августига қадар 20 та дон корхонасидаги давлат улушини савдога чиқариши лозимлиги белгиланди.

Дон корхоналарининг ғалла қабул қилиш пунктлари бор, улар ҳам ҳозирга қадар эскича услубда ишлаб келмоқда. Жорий йилда уларнинг сонини камайтириш ва кейинги йилдан хусусийлаштириш бошланади.

ПАРРАНДАЧИЛИК



Баҳодир ИСАЕВ,
“Паррандасаноат”
уюшмаси раиси

Маълумотларга кўра, бугунги кунда жаҳонда гўшт маҳсулотлари етиштириш ва истеъмоли бўйича парранда гўшти иккинчи ўринда туради. Паррандачилик бўйича бугунги кунда Хитой, АҚШ, Япония ва Россия олдинги ўринларни эгаллаб турибди. Айни дамда жаҳонда 1,4 триллион дона атрофида туҳум, 130 миллион тонна парранда гўшти етиштирилади.

Шу билан бирга, ҳозир жаҳонда экологик тоза ва тўйимли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бунда, яъни озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда паррандачиликнинг алоҳида ўрни бор, албатта.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда сўнгги йилларда мазкур йўналишдаги ишларга жиддий эътибор қаратишмоқда. Тармоқ ривожига хизмат қилувчи ҳуқуқий асослар мустаҳкамланяпти. Жумладан, Президентимизнинг 2021 йил 14 июндаги “Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридида ҳар бир туманда аҳоли хонадонларига товуқ, шунингдек, қурка, ўрдак, ғоз ва бошқа оммавий бўлмаган парранда турларини тарқатиш, етиштирилган маҳсулотларни сотиб олиш бўйича кооперация ишларини ташкил этиш кўрсатиб ўтилган.

Рашид Галиев отпан суратлар.



ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Уни бойитиш учун қандай чоралар кўришмоқда?

Парранда — етти хазинанинг бири. Товуқ — ҳам обиёвгон, ҳам дори-дармон, дейишади. Парранда боқиб ҳам доимий даромадга эга бўлишингиз, ҳам сифатли ва парҳезбop гўшт истеъмол қилишингиз мумкин. Унинг бебаҳолиги шундадир, эҳтимол. Дунё миқёсида парранда гўштига бўлган талаб тобора кўпайиб бораётганини инобатга олсак, мазкур тармоқнинг аҳамияти янада ортади. Бинобарин, аҳолининг кундалик истеъмол харажатларининг 30 фоизини гўшт, сут ва туҳум маҳсулотлари ташкил этади.

6 миллион 100 минг долларлик экспорт

Бугунги кунда республикамиз бўйича боқилаётган паррандалар асосан деҳқон (шахсий ёрдамчи) ҳўжаликлари ҳисобига — жами бош сони 59 фоизга тўғри келади. Қолганлари фермер ҳўжаликлари ва қишлоқ ҳўжалиги билан шуғулланувчи бошқа ташкилотларда парваришланмоқда. Амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг уч ойида парранда гўшти етиштириш тирик вазида 100 минг тоннага, туҳум 1,4 миллиард донага етказилди. Қолаверса, шу вақт мобайнида жорий йилда рўёбга чиқарилиши режалаштирилган умумий қиймати 1,3 триллион сўмлик 312 та лойиҳанинг



64 таси молиялаштирилди. Импорт қилинган 428,9 минг наслии ҳўжаларга жами 3 миллиард 860 миллион сўм субсидия маблағи ажратилди. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 июлдаги қарорига асосан, жами 232 та паррандачилик субъектига 36,1 миллиард сўм миқдорда субсидия тақдим этилди. Тижорат банклари томонидан 64 та корхонага 125,4 миллиард сўм йўналтирилди.

Январь-март ойлари давомида паррандачилик корхоналари томонидан 6 миллион 100 минг долларлик паррандачилик маҳсулотлари экспорти амалга оширилди.

Шу ўринда қайд этиш керакки, тармоқнинг озуқа харажатлари 65-70 фоизни ташкил этади ва шундан озуқа ҳамда хомашёларнинг 80 фоизи четдан импорт қилинади. Ҳозирги кунда ем-озуқа нархи деярли 50 фоизга ошган. Лекин шунга қарамаcдан, ички бозорларда туҳум ва товуқ гўшт нархи барқарорлиги сақлаб қолинаётгани диққатга сазовор.

“Маҳаллабай” ишлаш тизими афзалликлари

Бундай ижобий натижаларда “маҳаллабай” тизими кўп келмоқда.



Шунингдек, тажриба тариқасида қўшни Бериуни туманидаги қатор хонадонларга 400 га яқин қурқанинг тез етилади-ган зоти етказиб берилди.

“Тахياتош чикенс” МЧЖ томонидан аҳоли билан ишлаш ҳажмининг ошириш мақсадида маҳаллаларда бир марталик қуввати 100, 150 ва 250 бош жўжа очиршишга мўлжалланган 50 дан зиёд инкубаторлар жойлаштирилди. Инкубаторлардан чиқаётган ҳўжалар жамият томонидан 3000 сўмдан 4000 сўмгача сотиб олиниб, жамиятнинг ўзида 90-100 кун парваришланган, туҳум етиштириш мақсадида қайта аҳолига берилмоқда. Жамиятнинг бундай иш тутуми давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътироф этилган.

Умуман олганда, жойларда хонадонбай ишларни ташкил этишда ҳокимликлар, ветеринария бошқармалари ҳамда “Чорванас” марказлари билан ҳамкорлик қилинаётгани, аҳолининг парранда боқиб бўйича билим ва қўникмаларини ошириш мақсадида ўқув-амалий машғулотлари ўтказилаётгани, турли қўлланмалар тайёрлангани айни мuddао бўлмоқда.

Ушшамиз томонидан жорий йилда Хитой, Россия ва бошқа давлатлардан ҳудуднинг иқлим шaroитига мос хонаки парранда туҳумларини олиб келиш ва ундан олинган паррандаларни аҳолига тарқатишга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жумладан, Россия Федерациясининг Илмий-тадқиқот институти қошидаги “Генофонд” МЧЖ билан уларда боқилаётган “Кучинский”, “Московская чёрная” ва “Австролорп” зотларини олиб келиш бўйича келишувга эришилди. Бундай саъй-харажатлар амалда ўз самарасини кўрсатади, албатта.

ШУКУХ

Дориломон кунлар келди, шафақлари ол...



Шерали ЖҲРАЕВ, Ўзбекистон халқ артисти, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби

Бошланиши 1-бетда

Санъаткорни тўйга таклиф этиш ҳам катта машмаша эди: шунини ният қилган одам бир қучоқ ҳужжат билан филармонияга ариза ёзиб, белгиланган суммани кассага топширади, бироқ филармония раҳбари қайси қўшиқчини раво кўрса, тўйга ўшани жўнатарди. Тўй эгаси қайси санъаткорнинг шинавандаси экани ёки юбориладиган ашуланининг рағбат-хоҳиши инобатга олинмасди.

Умуман, негадир ўша пайтларда тўйга бориш, халқнинг хизматини қилиш уят, шармандалик сифатида талқин қилинарди. Собиқ тузум мафкураси санъаткорнинг саҳнадан пастга тушиб, халқ ичига кириб киришига йўл бермаган.

Инсонийликнинг юксак намунаси

Муҳтарам Шавкат Мирзиёев Президент сифатида фаолият бошлаган дастлабки пайтлардаёқ биз каби санъаткорларга алоҳида эътибор қаратди. Инсон қадрини улуғлаш, унинг шаъни ва қадр-қимматини тиклаш бундан ортиқ бўлиши мумкинми! Шунинг учун биз мамлакатимиз раҳбаридан умрбод миннатдормиз.

Бугун янги давр бошланди. Муҳтарам Президентимиз раҳбарлар халқ учун хизмат қиладиган тизимга асос солди. Бу — одамийлик, инсонпарварлик, халқларварлик намунаси. Мен илгари бундай ҳолатга дуч келмаганман. Раҳбар деганда барчамиз ўзига бино қўйган, халққа ўғай кўз билан қарайдиган калондимоғ кишиларни тушунардик. Энди эса манзара тамоман ўзгарди.

Кўп марта хизмат сафарларида юрдим, вилоятларда, туманларда, энг чекка қишлоқларда уюштирилган тадбирларда иштирок этдим. Ва ҳамма жойда кўрдимки, раҳбарлар ўзгарган. Халққа хизмат қилиш учун уларнинг қўли кўксиди. Буларнинг ҳаммаси шу халқни яхши кўрган, эл фаровонлиги, юртимиз тинчлиги йўлида тиним билмай меҳнат қилаётган давлат раҳбарининг юксак инсонийлик фазилатлари натижасидир.

Ташаббус қўллаб-қувватлантириладиган, меҳнат муносиби рағбатлантирадиган давр келди.

Оламшумул ўзгаришлар даври

Бугун Ўзбекистонда барча соҳаларда юз бераётган ўзгаришларни кузатиб, шу ишларнинг бошида турган

МЕН ҲАМИША МАЗА-МАТРАСИЗ ҚЎШИҚЛАРИ БИЛАН САНЪАТИМИЗНИНГ ОБРЎСINI ТЎКАДИГАН ОТАРЧИЛАРГА ҚАРШИ БЎЛГАНМАН. ЛЕКИН ИНСОФ БИЛАН АЙТАДИГАН БЎЛСАК, АЙНАН ЎЗБЕГИМНИНГ ТЎЙЛАРИ ШАРОФАТИ БИЛАН БУГУНГИ КУНГАЧА МИЛЛИЙ САНЪАТИМИЗНИНГ ДУРДОНАЛАРИ, ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ ВА ЎЙИНЛАРИ, РАСМ-РУСУМЛАР ВА ҚАДРИЯТЛАР САҚЛАНИБ ҚОЛДИ.

ва фидойилик кўрсатаётган зотларга тасанно айтаман. Айниқса, санъат, маданият соҳасига берилаётган эътибордан бошим осмонга етади.

Эгасиз қолаётган дўмбираларимиз яна бахшиларнинг қўлига тушиб, мардлик, тантилик, жасорат каби фазилатларни тараннум этмоқда. ЮНЕСКО ташкилоти “Лазги” рақсимизни инсониятнинг ноёб маданий бойликлари рўйхатига киритиши ҳам ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта.

Бундан икки йил олдин Президентимизнинг маданият ва санъат соҳасини ривожлантиришга доир муҳим қарорини ўқиб, жуда хурсанд бўлган эдим. Шу йилнинг бошида эса маданият ва санъатнинг жамиятдаги нуфузини янада оширишга қаратилган навбатдаги қарори нафақат биз санъаткорлар, бутун санъатсевар халқимиз томонидан ҳам катта қувонч билан кутиб олинди. Ахир, биродарлар, санъат ва маданиятга эътибор бўлса, шунчалик бўлади-да.

Муҳими, юртимиздаги ҳаётбахш ўзгаришлар нафаси чегаралардан ошиб, олис-яқин мамлакатларда яшаётган ватандошларимизнинг ҳам қалбиди акс-садо бермоқда. Бир пайтлар хорижий гастролларда “Ўзбегим”ни қўйлаганимизда миллиятдошларимизнинг кўзида ҳасрат, чорасизлиқни кўрган бўлсак, бугун ишонч, миннатдорлиқни кўраймиз.

Мен бу гапларни бежиз айтаятганим йўқ. Кўпчилик яхши билади, 2021 йилда Президентимиз қарори билан “Ватандошлар” жамоат фонди ташкил этилди. Бу мўътабар жамғармага каминанинг раҳбар этиб тайинлангани зиммамга улкан масъулият юкледи. Шу боис, хориждаги юртдошларимиз билан тез-тез суҳбатлашиб, Ўзбекистондаги янгиланишлар ҳақида фикр алмашиб, маслаҳатлашиб турибмиз.

Ҳаммасининг тилида бир гап: “Бизнинг халқимиз бугун яхши яшашига муносиб. Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқ манфаатларини ўйлаб амалга ошираётган сиёсати бардавом бўлсин, мустаҳкам иродасига кўз тегмасин! Биз ҳам ана шу тарихий ўзгаришларга ўз ҳиссамизни қўишни истаймиз”.

Бу истак қандай пайдо бўлади? Аввало, қониқиш, ҳавас ҳисси туйфайли. Сир эмас, вақтида ўзбекнинг кўп забардаст, истеъдодли, билимли йигитлари она юртидаги биқик муҳитдан зада бўлиб, чет элларга кетиб қолган эди. Улар ривожланган Европа ёки бошқа мамлакатларда ўз ўрнини топди. Дунёга машҳур етакчи компанияларда масъул лавозимларда ишлаб келяпти. Лекин улар қаерда ишламасин, қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, ҳаммаша киндик қони томган она

ЭГАСИЗ ҚОЛАЁТГАН ДЎМБИРАЛАРИМИЗ ЯНА БАХШИЛАРНИНГ ҚЎЛИГА ТУШИБ, МАРДЛИК, ТАНТИЛИК, ЖАСОРАТ КАБИ ФАЗИЛАТЛАРНИ ТАРАННУМ ЭТМОҚДА. ЮНЕСКО ТАШКИЛОТИ “ЛАЗГИ” РАҚСИМИЗНИ ИНСОНИАТНИНГ НОЁБ МАДАНИЙ БОЙЛИКЛАРИ РЎЙХАТИГА КИРИТИШИ ҲАМ ЎЗ-ЎЗИДАН БЎЛГАНИ ЙЎҚ, АЛБАТТА.

Ватани — Ўзбекистон тараққиёти учун ўзлари ҳам масъул эканини яхши англайди, юрт равнақи йўлида хизмат қилишни шараф, деб билади.

Насиб этса, бундай ватанпарвар юртдошларимиз билан кўп ишларни амалга оширишни режалаштириб қўйганмиз.

Зиё — Шарқдан!

Бугун Ўзбекистон ҳақиқий маънода маънавий тараққиёт йўлига кирди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, маънавият — инсоният дунёсининг буюк бир ёриткичи, чироғи ҳисобланади. Ана шу чироқ одамзоднинг онги ва тафаккурини ёритади, қалбиди эзгу нисоний ҳиссиётларни кучайтиради. Юртимизда янги уйғониш даври яратилаётган тарихий бир даврда ҳар бир ватандошимизнинг қалбини ана шун

дай маънавият шуъласи мунаввар қилиб, барчамизни эзгу ишлар сари даъват этиб туриши керак.

Маънавий юксалиш, энг аввало, миллий қадриятларни азиз тутишдан бошланади. Бизда санъатсеварлик, китобхонлик, илмга интилиш, соғлом тан ва руҳни тарбиялаш — азалдан энг гўзал миллий қадриятларимиз саналади.

“Зиё Шарқдан таралади”, деган ҳикматли ибора ҳам бежиз эмас. Бизнинг заминимизда юз очган Биринчи ва Иккинчи Ренессанс ҳодисаларига ҳам маърифатли аждодларимизнинг инсоният тараққиётига хизмат қиладиган эзгу ғояларни миллий қадрият даражасига кўтаргани асосий сабаб бўлган эди.

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан миллий мақом санъатимизни янада ривожлантириш мақсадида алоҳида қарор қабул қилинган, ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш аънанаси жорий қилинган маънавий ҳаётимизда жуда катта тарихий воқеа бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг: “Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини кўтаришимиз керак. Мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон қалбидан, аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши учун бор имконият



бошлагани, қисқа вақт ичида Термиз ва Нукус шаҳарларида халқаро бахшичилик санъати фестивали юқори савияда ташкил қилингани барчамизни бирдай хурсанд қилади.

“Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор...”

Ўрни келганда кўнглимдаги баъзи кечинмаларимни ҳам тилга олмақчи эдим. Ҳаётим давомидида чиқарган энг муҳим ҳулосаларимдан бири шу бўлдики, она — бу ёруғ дунёда энг мушфиқ, энг меҳрибон зот экан. Парвардигор лутфу марҳаматининг ердаги тимсоли бўлган бу табаррук хилқат ҳақида қанча гапирилса, унинг шарафига шеър ва қўшиқлар тўқилса, шунча оздир.

Агар осмон дафтарига юлдузлар котиблик қилиб, денгиздаги сувлар, дарраҳт япроқлари, биёбонлардаги қумлар микдорича сўз ясаб, махшаргача онанинг васфини ёзсалар ҳам, унинг чақалоғи бошида бир кеча чеккан ранжу машаққатига баробар бўлмас, деган экан алломалардан бири.

Азиз мухлисларимиз яхши билади: элнинг тўй-маъракаси бўладими, концерт дастури бўладими, қўлимга торни олиб саҳнага чиқсам, албатта, биринчи навбатда, онани васф этувчи қўшиқни қўлайман:

Онагинам,
Дориломон кунлар келди,
шафақлари ол,
Бу кунларга етганлар бор,
етмаганлар бор...

Бугун айна шу сатрларни нафақат азиз ва мунис оналаримизга, балки жонажон Ватанимизга нисбатан қўллаб қўйласак ҳам, ҳар жиҳатдан тўғри ва ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Бебаҳо меросимизга гард юқмасин!

Мен ҳаммаша маза-матрасиз қўшиқлари билан санъатимизнинг обрўсини тўкадиган отарчиларга қарши

САНЪАТКОРНИ ТЎЙГА ТАКЛИФ ЭТИШ ҲАМ КАТТА МАШМАША ЭДИ: ШУНИ НИЯТ ҚИЛГАН ОДАМ БИР ҚУЧОҚ ҲУЖЖАТ БИЛАН ФИЛАРМОНИЯГА АРИЗА ЁЗИБ, БЕЛГИЛАНГАН СУММАНИ КАССАГА ТОПШИРАБ, БИРОҚ ФИЛАРМОНИЯ РАҲБАРИ ҚАЙСИ ҚЎШИҚЧИНИ РАВО КЎРСА, ТЎЙГА ЎШАНИ ЖЎНАТАРДИ. ТЎЙ ЭГАСИ ҚАЙСИ САНЪАТКОРНИНГ ШИНАВАНДАСИ ЭКАНИ ЁКИ ЮБОРИЛАДИГАН АШУЛАЧИННИНГ РАҒБАТ-ХОҲИШИ ИНОБАТГА ОЛИНМАСДИ.

МУҲТАРАМ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ПРЕЗИДЕНТ СИФАТИДА ФАОЛИЯТ БОШЛАГАН ДАСТЛАБКИ ПАЙТЛАРДАЁҚ БИЗ КАБИ САНЪАТКОРЛАРГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТДИ. ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ, УНИНГ ШАЪНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИНИ ТИКЛАШ БУНДАН ОРТИҚ БЎЛИШИ МУМКИНМИ! ШУНИНГ УЧУН БИЗ МАМЛАКАТИМИЗ РАҲБАРИДАН УМРБОД МИННАТДОРМИЗ.

туйғусини бирлаштиради. Адабиёт ёки музиканинг бошқа жанрлари китобхонга ёки тингловчига етиб боргунча, қўшиқ бутун мамлакатни айланиб чиққан бўлади.

Дунёни меҳр қутқаради

Мен ўз умримни айна шу санъат турига бағишлаганимдан, қўшиқ орқали элнинг қорига яраганимдан бахтиёрман. Шу нуқтаи назардан, миллиятни бирлаштириб, ягона мақсад сари сафарбар қилишда муҳим роль ўйнайдиган санъат ва маданиятни ривожлантиришга қаратилган испоҳотлар том маънода фаровон келажақ пойдевори бўлишига ҳисса қўшади, деган фикраман.


Маърифатли инсон кучли бўлади. Кучли инсон ўзига ишонган бўлади. Ўзига ишонган инсон бағрикенг бўлади. Бағрикенг инсон халқнинг эҳтироми ва муҳаббатига сазовор бўлади. Қолаверса, бошқаларнинг ҳурмати ва эътиборини жойига қўя бўлади.

Яқиндагина ана шундай ҳурматдан мен ҳам баҳраманд бўлдим. Муҳтарам Президентимиз фармонида кўра, давлатимизнинг юксак мукофоти — “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирландим. Шу билан бирга, камтарона хизматимизга юксак баҳо ифодаси — табрик ҳам олганимга, очиги, ҳурсандчиликдан бошим осмонга етди. Бу эътироф нафақат менга, балки ўзбек санъати ривожини йўлида хизмат қилиб келаётган барча ҳамкасбларим, дўстларим, шогирдларимга ҳам бирдек тегишли.

Бугун биз инсон меҳнат қилса рағбат ва қадр топадиган адолатли замонда яшаймиз. Мана шу улуғ неъматнинг қадрига етайлик, биродарлар, дегим келади. Камтарона хизматимиз, эл-юртга бўлган меҳру-муҳаббатимиз хурматли Президентимиз томонидан қадрланган экан, у кишига чин юракдан миннатдорлик билдираман. Мени эъзозлаган она халқимга бошим ерга текувнча таъзим қиламан.

Дунёни меҳр қутқаради. Бир инсонга бир оғиз ширин сўз айтсангиз, олам-жаҳонга ҳады-эхсон кўрсатганнинг савобини олсиз. Бу оламнинг асл маъноси омонат, ўткинчи эканини билган ориф зотлар бағрикенгликни, меҳру муҳаббатни улуғлайди, дўстона ришталарни мустаҳкамлайди. Одамийлик, инсонийликка амал қилиш қанчалар саодат. Бугун биз ана шундай меҳрпарварлик, инсонпарварлик, халқпарварлик сиёсатидан баҳрамандмиз. Бу сиёсат ёпилган йўлларни очди, умидсизланган қалбларга ишонч бахш этди, қуриган илдизга сув, тушкунликларга барҳам берди.

Мана шундай дориломон кунларимизга кўз тегмасин, илоҳим!



Она элим, илдизингдан келган хабарман

ёхуд ярадор арслон хайкириги

Мирзо Бедилнинг “Қаноти йўққа қафас торлик қилмайди”, деган ҳикмати бор. Туйғусиз, қалбсиз, хурриятсиз кишилар қанотсиз қуш кабиларлар. Билгас, шоирларнинг қаноти катта-катта бўлади. Қафас тугул, баъзида осмонларга сиғмайди...



Эшқобил ШУКУР,
шоир, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
маданият ходими

... Ҳалима опа 2012 йилнинг июни-да Бухорода инсульт билан йиқилди. Кейинроқ уни Тошкентга олиб келишиб, 16-шифхонага жойлашганида қўлгани бордим. Ҳарна, палатага киришга рухсат беришди. Опа каравотда ётар, бутунлай ҳолдан тойган, ҳорган қабоқларини зўрга кўтариб, титроқ овозда тўтилиб-тўтилиб, аранг сўзларди. Мени шунда бир нарса ҳайрон қолдирган. Ҳалима опа шундай ахволда ҳам шеърят ҳақида гапирар ва мендан, “Адабиётда қандай янгиликлар бўляпти?” деб бот-бот сўради. Унинг шёар ўқигиси келарди, ўқитин-ўқитин ёниқ сатрларни таққорларди. Гарчи шоира каравотда ҳолсиз ётса-да, унинг қалб қанотлари парвозда эканини илгаш мумкин эди.

Айни дақиқаларда Абдулла Ориповнинг Ҳалима Худойбердиева ҳақидаги “Жонфидолик” деган мақоласини ўқиб ўтирибман. Мақола номининг узикўп нарсаларга ишора беради. Шоиранинг ҳаёти ва ижодига бир сўз билан берилган энг муносиб баҳо бу! Жонфидолик... Ўнта товущ бирикувидан ҳосил бўлган бу сўзнинг айтилиши жуда осон, ярим нафасда айтасиз-қўясиз. Лекин амали жуда қийин, бутун умрни, қон ва тер, азоб ва машаққатларни, сабот ва матонатни талаб қилади.

Абдулла Орипов бу мақолада ўз дарду изтиробларини Ҳалима Худойбердиеванинг дарду изтироблари билан уйғун тарзда ифодалаган. Бу икки ака-сингил қалбидagi армонлар, тугёнлар, исёнлар, нолалар ва фарёдлар миллат руҳининг овозидай кескин жаранлаган. Бу икки ака-сингил суронлар, таъқиблар, тўзонлар ичида ҳам ўз шеърларида ўзбек кўнглини ифодалаган, ўзбек руҳини намоеён қилган. Ҳалима опанинг Абдулла акага бағишлаган шеърида шундай сатрлар бор:

Энди шундай. Курашларга белни
маҳкам боғлармиз,
Дил топамиз. Айру-айру элни
маҳкам боғлармиз,
Тўғон бўлиб, элга келар селни
маҳкам боғлармиз,
Тиклағаймиз халқни! Кураш —
ором бўлсин, оғажон,
Тикполмасак шоир номи

Бу ўтли мисраларни у мустақиллик арафасида 1991 йилнинг 5 апрелида ёзган. Бу шоирлар аллақандай майда-чуйда, куйдирмажон ҳиссала билан эмас, шундай катта туйғулар билан яшаган. Бу туйғулар халқнинг асрий армонларига жонтомирлардай боғланиб кетган.

Абдулла Орипов шундай ёзади: “Мен Ҳалима Худойбердиева ижодини, унинг шоир юрагини даврнинг доимий таранг торларига ўхшатган бўлардим. Чунки бўлиб ўтган, ўтаётган ҳар бир ҳаётинг жараёни бу юракдан ўз акси садосини топиб бормоқда. Гоҳ мунгли, гоҳ забардаст, гоҳ тасдиқловчи, гоҳ инкор этувчи...

умуман, бу йўлларда у ўзининг ўчмас изларини қолдириб бормоқда деб айтишга ҳар жиҳатдан ҳақлимиз. Жонажон Ватан шаъни, эрки хусусида гап кетганда, ҳеч иккиланмай, азиз жонини гаровга қўйиб, қўлига қалам оладиган ижодкорлардан деб биламан мен уни”.

Ҳақ гап. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида миллат бошидан не кўргуликларни ўтказган бўлса, бу қайғулар Ҳалима Худойбердиева шеърларида ўзбек оналарининг аламли нидосидай акс-садо берди. Унинг 60-70-йиллардаги пахта далаларида қўлларча меҳнат ҳақидаги (“Элим, сени муте кўрсам, Кўздан қолай, кўзим куйсин”), 80-йилларда ҳарбий хизматга уйдан уйнаб-қулиб чиқиб кетиб, темир тобулларда қайтган ўзбек ўғлонлари ҳақидаги (“Сор ўғиллар тугиб, улғайтиб, Олдирансан, калхатга тоқай”), “Ўзбеклар иши” тамғаси остидаги бутун бир халққа тўхмат ва ҳақоратларга қарши исёнкор мардона шеърлари (“Эгилган бошларимга тўхмат тожин кияркан, Ўз манкуртларим гоҳи эл ризқини қияркан”), “Уш-Ўзган фарёди” дафтаридан “Унутганинг куйсин икки дунёси” каби туркумлари (“Фитна тегди санчди тик, кўкси тоғларга, Ит тегди сут хидли қизалоқларга”) бунга далилдир. У эрксиз элнинг қайғу ташвишларини, мазлум миллатнинг дардларини ўз қалбининг оғриги деб ҳис этар ва бундай вазиятда бефарқлиқни жиноят деб биларди.



Бул кун кимдир ўйнаса
Дог устида ўйнайди.
Дог-дарахти зардоб ране
Бог устида ўйнайди.

Қандоқ сўлмай қиёғи,
Куйиб кетмай оёғи,
Нақ юракнинг устида,
Оқ устида ўйнайди.

Ҳалима опа бундан 57 йил аввал 18 ёш вақтларида ўз қалби билан шундай бир битим тузган ва бу битимини шеърда қуйидагича ифода қилган эди: Япроқлар тўқилар, кўзларимда нам — Сўнғи шитирлашлар...

Демак қачонлардир
харом бўлсин, оғажон!
Тинауингача қуйла,
кўйлаб қол қўнғалим.

Катта йўл бошида турган бу ёш қалб кейин узоқ йиллар меҳр-муҳаббат билан ёниб қуйлаб ўтди ва ўз қўшиқларини абадиётга муҳрлади. Шунинг учун ҳам, қуйлаган кўнглига ўлим йўқ.

Унинг ҳар бир шеърда тирик бир руҳ ҳаракат қилади. Шу боис, Ҳалима опанинг шеъри билан юзма-юз келганингизда унинг ўзи билан юзма-юз келасиз. Ҳар бир шеъри бир ўқишдаёқ, мудраётган қалбларни уйғотиб юборади. Бу руҳ қайдан? Бу шиддат қайдан? Бу куч қайдан? Бу ҳикмат қайдан?

Она элим, дўстинга дўсту
Душманинга ҳавфу хатарман.
Жилғалардай чулдираб ўсдим,
Илдизингдан келган хабарман.

Шу буюк илдиз сабаб, унинг шеърларида Ватан бор, тупроқ бор, эл ва авлод бор. Кейинги пайтларда ватансиз, ерсиз, муаллақ шеърлар кўпайди. Буни бошқача, яъни “Ватан!” деб албатта ёзиш керак экан-да, деб тушунмасинлар. Гап шундаки, ичингда ватан қайғуси борми, бас, бу қайғу севги ё янтоқ ҳақидаги шеърингда ҳам барибир қандайдир сирли шаклда кўриниш бераверади, 25-кадр каби кўринмасдан онг остида ўз фаолиятини олиб бораверади. Баъзан “Ватан” сўзи юз марта қайтарилган шеърда ҳам Ватанинг ўзи бўлмаслиги мумкин. Инсоннинг ботинида Ватан туйғуси устувор бўлмаса, унинг бошқа туйғулари ҳеч қачон бутун бўлмайди. Чунки одамнинг олтимиш икки минг томирининг уриши — севгисиз нафрати, шодлиғи қайғуси, аждоғи авлоди, меҳрию қаҳри, болалиғи кексалиғи, ҳаётию ўлими шунга боғланади.

Ҳалима опа камтарлик билан бир тўртлиғида шундай ёзади:

Менам ўз-ўзимча роз айтдим,
кетдим.

Не айтдим? Ўзимга хос айтдим.
Кетдим.

Бу дунёга келиб бор қилган ишим —
Бир-икки сўз айтдим.

Рост айтдим. Кетдим.

Аслида шоирнинг ҳақиқати ҳам, моҳияти ҳам шу экан-да! Ҳалима опа буни жуда яхши билган. Шоир бир сўз айтиб кетса ҳам рост айтиб кетиши керак. Шоир битта жумла сўйласа ҳам, бу жумлада унинг қалби уриб турмуши керак. Ўтган тузум давридаги том-том, жавон-жавон шўрлик китобларнинг фожиаси ҳам шунди. Вақти келиб ўлимтиқка айланган, мадҳиябоз, қулликни шарафлаган бундай хоин китоблардан бир арава ўтин авло бўлиб қолгани ҳам рост. Баъзан эски кутубхоналарда мустабид мафкуранинг супургиси бўлган шундай китобларга дуч келиб қоласиз. Кутубхоначилар бу китобларни қаерга қийишни билмайди, худди режиссёр Т.Абдуладзининг “Таба-тазарру” фильмида ўлиқни кўмиш муаммо бўлганидай...

Унинг шеърлари шу даражада табиийки, уларда ҳар бир сатр “юракнинг энг чуқур еридан” отилиб чиқаётганини айни сатрнинг ўзи далиллаб туради. Бу шеърларнинг илдизлари халқнинг жон томирларига бориб туташади. Шунинг учун шоир ўзи ва халқи ўртасида турадиган изоҳқаш-даллолга муҳтож эмас.

Тунда тундай ботганларга
менинг гапим йўқ,
Рухдан айру шод танларга
менинг гапим йўқ.
Бахти лим-лим бу тириклар
гамни танимас,
Мен дардимни ўтганларга
сўзласам керак.

Элим деган фиғонлари ҳаволаб қўкка,
Оломондан швағриллаб,
Қалқон бўлиб келаётган
лаб босиб чўкқа,
Бир қадамга ўтганларга
сўзласам керак.
Дардим нолон кутганларга
сўзласам керак.

1990 йилда Ҳалима опа билан Боёвутга — туғилган қишлоғига борганман. Шоиранинг онаси, қариндош-уруғлари билан узоқ гурунлашдик. Ниҳоятда самимий, халоп, дўнг одамлар. Ҳаммаси Боёвут даштларида кенгфеъл одамлар. Ҳалима опага оналик қилган ҳоласи — Қаршиғул момонинг қиёфасида туркий оналар тимсоли аён кўриниб туради. Момо Ҳалима опанинг болалик, ўсмирлик йиллари ҳақида гурун берди: “Бир китобни ўқиб бошладим, бўлди, ҳамма нарсани унутарди, тандирдаги нонни ҳам, ўчоқдаги мойни ҳам. Баъзан тунги соат учларда уйғониб кетиб қарасам, Ҳалима ё ўқиб ё ёзиб ўтирарди. Мен уни ўзингни аямаянсан, деб қаттиқ койирдим. Лекин бу қизни шахиддан қайтариб бўлмасди”. Ушанда Ҳалима опа билан пахта да-



ласида ишлаб юрган хотин-қизлар олди-га борганмиз. Унинг бу аёллар олдида хижолат бўлаётганини сезганман. Гуё “Мен булар учун нима қила олдим”, дегандай қийналарди, ўзини айбдордай сезарди. Шундай сўзи ўткир, шахдли шоира бу аёллар олдида ҳаяжонланиб тўтилиб қолаётгани билиниб турарди. Гуё уларнинг олдида қарздордай, офтобда қуйган бу чехралар олдида, қабарган қўллар қошида ғамгин бўлиб, ўйга толиб қолган эди...

Оташқада, ёнадир кўксим,
Куйдиради армонлар, чўғлар.
Энди мендай, аёлдай ўқиб,
Боёвутда шамоллар йўғлар.

Ҳалима опанинг бошидан кўп савдолар ўтди. Биз — укалари, сингиллари шундай пайтларда дард ва изтироб уни эзиб ташласа керак, деб ташвишланганмиз. Ўша йиллари опа билан кўп гаплашганман. Лекин бирор марта ҳам нолганини кўрмаганман. Анча ғамгин тортиб қолган чехрасида қандай бўлма-син, ўша табассумини сақлаб қолишга уринар, ҳеч кимга, ҳатто яқинларига ҳам ҳеч нарсани сездирмас, ҳамма нарсаса баланддан қарар, фақат шеърят билан яшарди. Шунча юқни кўтариб туриб, тагин бошқаларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қиларди. Мухими шундаки, дард ва изтироб уни синдирилмади, аксинча, янада юксалтирди, шеърларига айрича тугён ва куч бағишлади. Энг оғир пайтларда ҳам ярадор арслондай ҳайкириб, гулдурда яна майдонга чиқиб келаверди.

Ич-ида йўлбарс ўқиб,
Сирдан майин жўлмайган аёл!
Бу ҳайқирик кўпларни чўчитар, кўпларга куч ва ғайрат бағишларди. Мухими, у ҳар қандай ҳолатда Худога, Шеърятга, Имонга, Ватанга қараб бораверди. Унинг борар манзили аниқ эди. Чекинмади. Синмади. Ҳаётнинг ҳамма синовларига мардона жавоб бера олди.

Суратимда ҳушқилиқ,
хандоним ўзим билан,
Сиёратимда зулмату зиндоним
ўзим билан.
Пишган кузга бугўдодай қушга
таландим десам,
Шукриллах, чин мағзим,
чин доним ўзим билан.
Қушлар бирам чорлади,
йироқ беҳишт, богларга,
Кетмадим, жон қоршиқ
мақомим ўзим билан.
Тоабад яшаб келдим,
энди кетгай то маҳшар,
Йўмоним ўзим билан,
виждоним ўзим билан.

Шундан сўнг 2017 йилнинг 17 майида Ҳалима Худойбердиева Президентимиз фармонида кўра, “Эл-юрт хурмати” орден билан мукофотланди. Бу ҳодиса адабиётимизнинг катта байрамига айланиб кетган эди. Бу эътироф барча сўз ахлини, адабиёт ихлосмандларини, бир сўз билан айтганда, элу юртимизни тўқин-лантириб юборди. Чунки халқимиз Ҳалима опани яхши кўрар, унинг шеърларини ўз маънавий хазиналаридан бири сифатида эъзозлаб келарди. Шу билан опа яна катта давраларга, катта эътирофларга қайтди.

Бир пайтлар Озод Шарафиддинов шундай деган: “Ҳалиманинг шеърляти бизни бедорликка қақиради, виждонимизни уйғотади. Вужудимиздан лоқайдлик балосини сиқиб чиқаришга ёрдам беради. Бу шеърят кўп йиллар мобайнида қилганлар руҳиятимизни поклашга ва бутлашга хизмат қилади”. Бу фикр ҳам Ҳалима Худойбердиева шеърлятининг моҳиятини очиб беради. Унинг умр шоми арафасида ёзган шундай сатрлари бор: Яқун бер, ўзимни ўроқлашима,
Яшин бер, қақмоқдек чарақлашима.
Дўсти азиз, менга ишора етар —
Жоним куйиб, сени сўроқлашима.
Ҳалима опа чин дилдан тилаган экан, унга яқуни ҳам, яқини ҳам берди, у қақмоқдек чарақлаб кетди.



ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК КЎПРИГИ

Пойтахтимизда дунёнинг билимдон ёшларини бирлаштирган нуфузли 56-Халқаро Менделеев олимпиадасида вакилларимиз 10 та медални қўлга киритди.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Сўнгги йилларда юртимизда таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган юксак эътибор туфайли кўплаб истеъдодли ўғил-қизлар кашф этилмоқда. Уларни янада кўллаб-қувватлаш, мамлакатимиз равақи учун зарур кадрлар бўлиб етиштириш учун қўлай шарт-шароит яратиш бугун давлатимиз раҳбари соҳа мутасаддилари олдида қўйган устувор вазифалардан-дир.

Халқаро Менделеев олимпиадасининг навбатдаги беллашувлари азалдан маърифатга бешик бўлган, беназир алломаларни етиштирган кўтлуғ заминимизда ўтказилгани рамзий маънога эга. Зотан, Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган заминимиз қадимдан кўплаб илм эгаларини ўз бағрида бирлаштирган, илмий суҳбат ва муҳокамапарга мезбонлик қилган.

Илмлар олимпиадасининг ёпилиш маросимида ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари, хорижий мамлакатларнинг юртимиздаги дипломатик корпуси аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

— Нуфузли олимпиадада иштирок этиш учун дунёнинг 16 мамлакатидан иқтидорли ёшлар ҳамда кимё илми етакчилари юртимизга ташриф буюрганидан мамнунмиз, — дейди Президент таълим муассасалари агентлиги директори Ҳилола Умарова. — Бу мусобақа мамлакатимиз тарихида алоҳида из қолдирмоқда. Қолаверса, тадбир халқимизнинг меҳмондўстлиги, билимга ошнолиги ва илм одамларига меҳр-муруватини намоеён этди.

Ўтган бир ҳафта давомида турли мамлакатлардан келган юзга яқин истеъдодли ўғил-қиз ўзаро беллашиш билан бирга, билим ва тажриба алмашиш имконига эга бўлди. Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Тошкент, Самарқанд сингари қадимий ва навқирон шаҳарлардаги кўтлуғ қадамжоларни зиёрат қилди.

— Ўзбекистон Президенти таълим соҳасини ривожлантиришга жиҳдий эътибор бермоқда. Бу мазкур олимпиадага қўрилган тайёргарликда ҳам яққол кўринди, — дейди 56-Халқаро Менделеев кимё олимпиадаси раиси Валентин Ненайденко. — Мусобақа юқори савияда ташкил этилди. Иккита назарий ҳамда битта амалий босқичдан иборат билимлар беллашувида



берилган масалалар анча қийин. Бундан ташқари, манتيкий фикрлаш-ни ҳам талаб этди. Шунга қарамай, иштирокчилар барчасини кўнглида-гидек бажарди. Жараён очик ва шаффоф ўтди.

Иштирокчилар 28 та бронза, 18 та кумуш ва 9 та олтин медал учун кураш олиб борди. Ўзбекистон, Россия, Беларусь, Туркия ва Исроил вакиллари олтин медал соҳиб бўлди.

— Биринчи ўринни эгаллаганимдан хурсандман. Сабаби, дунёнинг илғор, илм-фан ривожланган давлатларидан келган тендошларимиз билан беллашнинг ўзига хос машаққатлари бор. Улар ҳам мусобақага кучли тайёргарлик кўрган. Шунинг учун сўнгги дақиқага қадар ҳаяжонландим. Қандай медал олишимни билмасдим, лекин кўнглимга ишонч бор эди, — дейди Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактаби ўқувчиси, олтин медал соҳиб Азимжон Жамолов. — Олтин медал фақат менинг эмас, жамоамизнинг ҳам ғалабасидир. Мусобақа жуда зўр ўтди. Тайёргарлик кўришимиз ва иштирок этишимиз учун ҳамма шароит яратилди. Масалалар қийин, аниқса, лаборатория масалалари қанчалик мураккаб бўлмасин, завқ билан бажардик...

Илм чегара билмайди. Шарқ ва Ғарбнинг қарашлари турлича бўлса ҳам илм борасидаги учрашиш нуқтаси ягона. Илм-фаннинг бу ўзига хослиги олимпиадаларда ўз ифодасини топтомоқда. У тинчлик ва дўстлик кўприги вазифасини ўтаб, қалбларга эзгулик уруғини қадаётди.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. Буюртма — 1534.

86602 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Улуғбек Асроров
Мусаҳҳих: Милоҳат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 00:13 Топширилди — 01:35

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz